

Уч кундан кейин мени кўрсанг эди



08:00 / 17.12.2019 2152

Муҳаммад ибн Каъб айтади: «Умар ибн Абдулазиз амир бўлгач, менга одам юборди. Мадинада эдим, унинг олдига бордим. Ҳузурига кирганимда уни таниёлмай, таажжуб билан тикилиб қолдим. У: «Эй Ибн Каъб, менга шундай қараяпсанки, илгари менга ҳеч бундай қарамаган эдинг!» деди. Мен таажжубланганимни айтдим. У сабабини сўради. Мен унга ҳолатимни тушунтириб, «Эй мўминларнинг амири, рангингиз ўзгариб, озиб кетибсиз, сочингиз тўзиганидан сизни таниёлмай қолдим», дедим. Умар ибн Абдулазиз: «Ўлганимдан кейин уч кун ўтиб, қабрда ётган ҳолатимни кўрсанг нима бўлар экансан? Унда кўзим юзимга оқиб тушган, бурнимдан йиринг ва қон оқаётган бўлади. Ўшанда мени ҳозиргидан ҳам танитай қоларсан?» деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан